

VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида 213 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни кўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.


Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2018 йил январь-март ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан % да	млн. сўм	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	213	100,0	84953,7	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	26	12,2	1939,0	2,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	14	6,6	486,7	0,6
Бухоро	3	1,4	727,1	0,9
Жиззах	5	2,3	774,7	0,9
Қашқадарё	21	9,9	722,5	0,8
Навоий	6	2,8	269,8	0,3
Наманган	9	4,2	5879,1	6,9
Самарқанд	13	6,1	2557,7	3,0
Сурхондарё	30	14,1	1598,8	1,9
Сирдарё	9	4,2	318,3	0,4
Тошкент	53	24,9	3570,1	4,2
Фарғона	6	2,8	2136,3	2,5
Хоразм	13	6,1	708,4	0,8
Тошкент ш.	5	2,4	63265,2	74,5

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 53 тани (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 24,9 %), Сурхондарё вилоятида – 30 тани (14,1 %),

Қорақалпоғистон Республикасида – 26 тани (12,2 %), Қашқадарё вилоятида – 21 тани (9,9 %), Андижон вилоятида – 14 тани (6,6 %), Хоразм вилояти – 13 тани (6,1 %) ташкил этди.


2018 йилнинг январь - мартада вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби (жамига нисбатан % да)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 168 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 78,9 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 22 та объект (10,3 %), Халқ таълими вазирлиги – 7 та объект (3,3 %), “Навоий кон металлургия комбинати” ДК – 5 та объект (2,3 %), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – 2 объект (0,9 %) тўғри келади.

2018 йилнинг январь-мартида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 85,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-мартида республика ҳудудлари кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби (жамига нисбатан % да)



Ҳудудлар кесимида давлат мулкани сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушимларнинг 74,5 %), Наманган (6,9 %), Тошкент (4,2 %), Самарқанд (3,0 %), Фарғона (2,5 %) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,3 %) ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотураржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2018 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 15,7 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 2,6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлари жами 21,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 60,5 %), Самарқанд (6,2 %), Тошкент (5,8 %), ва Бухоро (4,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.